ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКМИРЗАЕВ ОБИДЖОН НУРАЛИЕВИЧ

АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА ҲУЖУМ ИЗЛАРИНИ ҚИДИРИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МОДЕЛИ, АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари.
Ахборот хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

УДК: 004.056

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам

Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on technical sciences

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.13/30.12.2019.T.07.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

ТОШКЕНТ АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

БЕКМИРЗАЕВ ОБИДЖОН НУРАЛИЕВИЧ

АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИДА ҲУЖУМ ИЗЛАРИНИ ҚИДИРИШ ВА ТАҲЛИЛ ҚИЛИШ МОДЕЛИ, АЛГОРИТМЛАРИ ВА ДАСТУРИЙ МАЖМУАСИ

05.01.05 – Ахборотларни ҳимоялаш усуллари ва тизимлари.
Ахборот хавфсизлиги

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ

Тошкент-2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2022.2.PhD/T2833 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент ахборот технологиялари университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.tuit.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	**Мўминов Баҳодир Болтаевич** техника фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	**Каримов Маджит Маликович** техника фанлари доктори, профессор
	Халмуратов Омонбой Утамуратович техника фанлари бўйича фалсафа доктори
Етакчи ташкилот:	**«UNICON.UZ – фан – техника ва маркетинг тадқиқотлар маркази**

Диссертация ҳимояси Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги DSc.13/30.12.2019.T.07.02 Илмий кенгашнинг 2022 йил «17» Декабр соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-43, факс: (99871) 238-65-52, e-mail: info@tuit.uz).

Диссертация билан Тошкент ахборот технологиялари университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (0703 рақам билан рўйхатга олинган.). (Манзил: 100084, Тошкент шаҳри, Амир Темур кўчаси, 108-уй. Тел.: (99871) 238-64-70)

Диссертация автореферати 2022 йил «05» Декабр да тарқатилди.
(2022 йил «03» Декабр даги 8 рақамли реестр баённомаси.)

Б.Ш. Махкамов
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, и.ф.д., профессор

Э.Ш. Назирова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., доцент

С.К. Ганиев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, т.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертациясининг аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ташкилотларнинг ахборот тизимига бўладиган ҳужум изларини қидириш, аниқлаш ва уларни бартараф этиш билан бир қаторда, ҳужумларни аниқлаш жараёни аниқлигини ошириш ва хатоликларни камайтиришга эътибор қаратилмоқда. «Kaspersky» компанияси маълумотларига кўра, 2022 йилнинг учинчи чорагида давлат ташкилотларининг ахборот тизимларига бўлган ҳужумлар улуши 18% га ошган бўлиб, ҳужум объектининг 82% ни компьютерлар, серверлар ва тармоқ қурилмалари ташкил этган[1]. Дунёнинг ривожланган мамлакатлари, жумладан, АҚШ, Германия, Япония, Франция, Хитой, Жанубий Корея, Россия Федерацияси ва бошқа давлатларда интеллектуал усуллар асосида ахборот тизимларига бўладиган таҳдидларнинг таъсир даражасини аниқлаш, ахборотни ҳимоялаш тизимларини такомиллаштириш, ҳужум изларини аниқлаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш ҳамда қўллаш бўйича фаол илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Жаҳонда ахборот тизимларига нисбатан бузғунчи томонидан амалга оширилаётган ҳужум қилиш йўлидан қатъий назар, ҳужумни аниқлашнинг модели, усули ва алгоритмларини такомиллаштиришга ҳамда ҳужум изини қидиришга қаратилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан, сигнатура ва хатти-ҳаракатига ҳамда айнан бўлиб ўтган ҳужум изини қидиришда фойдаланувчиларнинг маълум чегара оралиғидаги ҳаракатларини маълумотлар базасига ёзиш орқали амалга ошириладиган бузғунчиликни аниқлаш, таҳлил қилиш модели ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланмоқда. Шу билан бирга, ахборот тизимида ҳужум изларини қидириш жараёнида кўрилаётган объект тўғрисидаги билимлар тўлиқ бўлмаганда ёки жорий маълумотларда норавшанликлар (ноаниқлик) мавжуд бўлганда ҳужум изини қидириш учун интеллектуал элементлардан фойдаланиб қарорлар қабул қилишга эҳтиёж сезилмоқда.

Республикада соҳа ташкилотларининг ахборот тизимларида ҳужум изларини қисқа вақтда самарали аниқлашни такомиллаштиришга йўналтирилган кенг қамровли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Хусусан, 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси[2] ва Президент томонидан ЎРҚ-764-сонли «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуни ишлаб чиқилган[3]. Ушбу қонун лойиҳасида алоҳида Республика миқёсида мавжуд ахборот тизимларини ахборот хавфсизлиги нуқтаи назаридан танқидий ўрганиб, зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга оширишда, бўлиб ўтган ҳужум изларини қидириш, аниқлаш ва аниқланган излар рўйхатини

1 https://www.ptsecurity.com/ru-ru/research/analytics/cybersecurity-threatscape-2021-q4/#id8

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022 - 2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ги Фармони

[3] Ўзбекистон Республикасининг Қонуни, 2022 йил 15 апрельдаги йилдаги ЎРҚ-764-сонли.

шакллантириш орқали компьютер жиноятчилигини асослаб бериш каби муаммоларни аниқлаш ва керакли мутахассисга ушбу маълумотни тақдим этишда бузғунчиликнинг маълум чегара оралиғида фойдаланувчи ҳаракатларини ёзиш орқали олдини олишга қаратилган муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПФ–60–сонли «2022–2026 йилларга мўлжалланган янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024–сонли «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори[4] ва 2018 йил 19 февралдаги ПФ–5349–сон «Ахборот технологиялари ва коммуникациялари соҳасини янада такомиллаштириш чора–тадбирлари тўғрисида»ги Фармон ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти маълум даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ахборот тизимларини ҳимоя қилиш, компьютер ҳужумларини ва зарарли дастурларни аниқлаш ҳамда рақамли криминалистика соҳасида М.В.Абрамов, В.М. Сычев, О.С. Терновой, О.В.Лукинова, А.С.Кириллов, В.М.Крундышев, А.М.Каднова, В.В. Сагитова, А.В.Остроух ва бошқа чет эллик олимлар томонидан илмий изланишлар олиб борилмоқда. Рақамли криминалистикани қўллаш орқали компьютер тизимларида зарарли дастурларни аниқлаш ва компьютер тизимларида маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича ташкилий-ҳуқуқий чора-тадбирлари борасида О.В.Багринцева, А.В.Никишова, С.Ал-Марри, ва А.Кимар илмий изланишлар олиб боришган. Бундан ташқари, «InfoWatch», «RiskWatch», «WatchGuard» ва «Trend Micro» ташкилотлари томонидан компьютер жиноятчилигини аниқлашда компьютер криминалистикасини қўллаш орқали ахборотни ҳимоялашнинг дастурий-аппарат воситаларини ишлаб чиқиш бўйича инженерлик-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда.

Ўзбекистонда С.К.Ганиев, М.М.Каримов, Г.У.Жураев, Б.Ф.Абдурахимов, Б.Б.Мўминов, К.Ф.Керимов, Ғ.Н.Туйчиев, Д.Я.Иргашева ва бошқалар ахборотнинг дастурий аппарат ҳимоялаш усуллари, хусусан, ахборот коммуникация тизимларида тармоқлараро экран ва мониторинглашнинг комплекс усул ва воситаларини ишлаб чиқиш, инцидентларга ва киберҳужумларга қарши ҳаракатларни бошқариш, ахборот хавфсизлиги мезонлари ва кўрсаткичларини шакллантириш усуллари, ахборотни

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 лий 21 ноябрьдаги йилдаги ПҚ-4024-сонли қарори.

криптографик ҳимоялаш усулларини ишлаб чиқиш ва криптографик алгоритмларни баҳолаш билан боғлиқ тадқиқотлар олиб борилмоқда.

Ривожланаётган соҳаларни эҳтиёжлари асосида ахборот хавфсизлиги учун ахборот тизимларида ҳужум изларини қидириш, маълумотлар тўпламини тайёрлаш, таҳлиллаш модели ва алгоритмлари етарлича тадқиқ этилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг илмий–тадқиқот ишлари режасининг №БВ–Ф4–023–Тақсимланган ахборот–коммуникация тизимларида инцидентлар ва киберҳужумларга қарши ҳаракатларни бошқариш муаммоларини тадқиқ этиш (2017–2020 йй.) мавзусидаги лойиҳаси ҳамда COVID–19 даврида илмий–тадқиқот ишларини ҳимоя қилиш ва онлайн тарзда ўтказиш чора–тадбирлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади ахборот тизимларида ҳужум изларини қидириш ва таҳлиллашнинг модели, алгоритмлари ва дастурий мажмуасини яратишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ахборот хавфсизлигида компьютер жиноятчилиги, ўзига хос хусусиятлари, криминалистик характеристикалари, унга оид ҳуқуқий меъёрлар ва муаммоларни қиёсий таҳлиллаш;

ахборот тизимида ҳужум манбалари рўйхатини шакллантириш процедураси ва ҳужум таъсири остида тугун ҳолатининг ҳодисалар мажмуасини қуриш алгоритмини ишлаб чиқиш;

ахборот тизимида ҳужум изини қидириш моделини қуриш ва параметрларини созлаш алгоритмини ишлаб чиқиш;

ахборот тизим ҳимоясининг самарадорлигини баҳолаш услубини такомиллаштириш;

ҳужум изини қидиришга йўналтирилган дастурий мажмуанинг функционал тузилмаси ва талабларини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида ахборот тизимининг ҳодисалари ва маълумотлар тўплами олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида ахборот тизимида ҳужумларни аниқлаш усуллари, компьютер жиноятчилиги, ҳужум оқибатларининг эҳтимолликларини аниқлаш модели ва алгоритмлари олинган.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида ахборот тизимида ҳужум изларини интеллектуал тизимлар ёрдамида аниқлаш усуллари, нейрон тармоқлар, норавшан тўпламлар назарияси, эҳтимоллик назарияси, графлар назарияси ва объектга йўналтирилган дастурлаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

ахборот тизими ва мавжуд интерфейс учун мумкин бўлган таъсир объекти асосида ахборот тизимида ҳужум манбаларининг рўйхатини шакллантириш процедураси ишлаб чиқилган;

ҳодисалар мажмуасини қуриш учун тўртта параметрни мантиқий бошқарувининг бинар муносабати асосида ҳужум таъсири остида тугун ҳолатининг ҳодисалар мажмуасини қуриш алгоритми ишлаб чиқилган;

ахборот тизимида ҳужум манбалари рўйхатини шакллантириш процедураси ва ANFIS нейро-норавшан тизими асосида ҳужум изини қидириш модели ва параметрларини созлаш алгоритми ишлаб чиқилган;

ANFIS нейро-норавшан тизими асосида ахборот тизими ҳимоясининг самарадорлигини баҳолаш услуби такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

«Хавфсиз онлайн овоз бериш» тизимининг тузилмаси асосида дастурий мажмуаси ишлаб чиқилган;

ҳужум изини қидиришга йўналтирилган модели асосида дастурий мажмуанинг функционал тузилмаси ва талаблари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги қўйилган муаммонинг математик жиҳатдан аниқ ифодаланиши, ҳужум изларини қидириш модели ва параметрларининг аниқлиги, хавфсиз онлайн овоз бериш дастурий мажмуасини ишлаб чиқилиши ва ушбу тизимда ҳужум изини қидириш дастурий мажмуасининг қўлланилганлиги, шунингдек, соҳадаги етакчи олимлар ва экспертларнинг хулосалари билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ишлаб чиқилган ташкилотда ахборот тизимини ҳимоялаш жараёнида таҳдидлар таъсир даражасини аниқлаш усули, ҳужум изларини қидиришнинг нейро-норавшан тизими усули ва ҳужумларни таҳлиллаш модели асосида ҳужумларни аниқлаш алгоритми билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти таклиф этилган модел ва алгоритмлар асосида ишлаб чиқилган дастурий мажмуани ахборот тизими ҳимояланганлик даражасини яхшилаши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Ахборот тизимларида ҳужум изларини қидириш ва таҳлиллаш модели ҳамда дастурий мажмуалари бўйича олинган илмий ва амалий натижалар асосида:

ахборот тизимида ҳужум манбалари рўйхатини шакллантириш процедураси ва ҳужум таъсири остида тугун ҳолатининг ҳодисалар мажмуасини қуриш орқали муассасаларнинг ахборот тизимида бўлиб ўтган ҳужум изини қидиришнинг нейро-норавшан тизим моделининг дастурий мажмуаси Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ТАТУга жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 12 октябрдаги 33-8/6759-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида мавжуд ахборот тизими ҳимояси талабларини қайта кўриб чиқиб, ҳимояланганлик даражаси 21% га ва тизимда бўлиб ўтган ҳужум изларини аниқлаб, аниқланган изларни маълумотлар базасини шакллантириш орқали уни келажакда такрорланишини олдини олиш даражаси 71% га ошган. Шунингдек, тизимда такрорий муваффақиятсиз уринишларни блоклаш орқали бўлиши мумкин бўлган такрорий таҳдидлар 50% га камайтирилган;

ташкилотдаги ахборот тизимида ҳужум изларини қидиришнинг дастурий мажмуаси «SSP Мароқанд» кўп функцияли ахборот маркази унитар корхонасида жорий қилинган (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 12 октябрдаги 33-8/6759-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида муассасанинг ахборот тизимига бўлган ҳужумларни аниқлаш ва бу ҳақида тизим маъмурини огоҳлантириш имконияти яратилган;

«Хавфсиз онлайн овоз бериш» ва «Ҳужум изини қидириш» дастурий мажмуалари «Киберхавфсизлик» маркази Давлат унитар корхонасида тест жараёнида қўлланилган. (Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2022 йил 12 октябрдаги 33-8/6759-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқот натижасида мавжуд ахборот тизими ҳимояси талабларини қайта кўриб чиқиб, ҳимояланганлик даражаси 21% га ва тизимда бўлиб ўтган ҳужум изларини аниқлаб, аниқланган изларнинг маълумотлар базасини шакллантириш орқали келажакда олдини олиш даражаси 72% га яхшиланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 11 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 4 та халқаро ва 7 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 5 та мақола, шулардан, 1 таси хорижий ва 4 таси Республика журналларида ҳамда 1 та ЭҲМ учун яратилган дастурий мажмуаларни қайдлаш гувоҳномалари олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати, қисқартмалар ва белгилар рўйхати ҳамда иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти асосланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, мақсад ва вазифалар шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети аниқланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари кўрсатиб ўтилган, олинган натижаларнинг ҳаққонийлиги асосланган, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга татбиқ этилиши, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Ахборот тизими хавфсизлигида компьютер жиноятчилигининг муаммолари ва назарий асослари»** деб номланган биринчи бобида ахборот хавфсизлигида компьютер жиноятчилиги ва ҳуқуқий меъёрларининг таҳлили, унинг ўзига хос хусусиятлари ва криминалистик

характеристикалари, компьютер жиноятчилиги муаммолари ва қиёсий таҳлили, компьютер жиноятчилигини аниқлаш усуллари ҳамда масаланинг қўйилиши келтирилган.

Ахборот тизимларида компьютер жиноятчилиги доирасида олиб борилган урганишлар натижасида компьютер жиноятчилиги таҳлили шуни кўрсатдики, охирги ўн йилликда уларнинг сони 22,3 марта ўсган ва йилига 3,5% да ўсишда давом этмоқда. Жиноятлардан кўриладиган моддий зарарларнинг йиллик ҳажми 8,5 миллиард долларни ташкил этган. Жиноятни маълум бир улуши муваффақиятли бўлиб, фақатгина 49% ўрганилган, жиноят ишларини умумий сонининг 25,5% аниқланган, жараёни тўхтатилган жиноий ишлар сонини ўртача кўрсаткичи 43,5% ташкил этади ва бу жиноят ишларни очиш, тергов қилиш ва огоҳлантириш бўйича фаолият юритадиган хавфсизлик ташкилотлари ходимларини малака даражасини етарли эмаслигини кўрсатади.

Ушбу келтирилган маълумотлар асосида ҳужумларни аниқлаш тизимлари ахборот тизимидаги ахборотга қаратилган ҳужумларни аниқлаш учун мўлжалланган махсус аппарат ва дастурий таъминот комплекслари жорий қилиш долзарбдир. Ҳужумни аниқлаш тизимининг одатий архитектураси қуйидаги компонентларни ўз ичига олади (1-расм).



1-расм. Ҳужумларни аниқлаш тизимларининг архитектураси

Олиб борилган тадқиқот натижаси жуда кўп тадқиқотчилар орасида фойдаланилиб келиниётган сигнатура ва ҳолатга асосланган ҳужумларни аниқлаш усулларининг таҳлилидан келиб чиқиб қўйидаги муаммоларни ечиш лозимлиги аниқланди:

1. Ахборот тизимида ахборот хавфсизлигига таҳдид манбаларини аниқлаш, шунингдек, ахборот тизими архитектураси ва ҳужум изларини таҳлил омилларига асосланган жараённинг процедурасини ишлаб чиқиш.

2. Ҳужум изларини тугун, ҳолат ва ҳодисалар сценарийларини ишлаб чиқиш.

3. Ахборот тизимида ҳужум изларини қидириш моделини қуриш ва параметрларини аниқлаш алгоритмини ишлаб чиқиш.

4. Норавшан нейрон тармоқ учун дастлабки маълумотлар тўпламини (ўқув танланмаларини) тайёрлаш услубини таклиф қилиш.

5. Ахборот тизимида ҳужум изини баҳолаш усулини ишлаб чиқиш.

6. Ахборот тизими ҳимояси самарадорлигини баҳолашга ёндашув услубини такомиллаштириш.

7. Таклиф этилаётган модел ва алгоритмлар учун дастурий мажмуанинг функционал тузилмаси талабларини ишлаб чиқиш.

Диссертациянинг **«Ҳужум моделлари ва ҳодисалар мажмуасини қуриш»** деб номланган иккинчи бобида ахборот тизимларининг архитектураси ва ҳужум моделлари тадқиқ этилган. Ахборот тизимида ҳужум манбалари рўйхатини шакллантириш процедураси ва ҳужум таъсири остида тугун ҳолатининг ҳодисалар мажмуасини қуриш алгоритми ишлаб чиқилган. Ҳужум изларини таснифлаш учун мослаштирилган нейро-норавшан тизимининг алгоритми таклиф этилган.

Тадқиқотлар натижасида ташкилотларнинг ахборот тизимига бўлиб ўтган ҳужумдан кейин келиб чиқадиган моддий ва номоддий зарар турларини ва салбий оқибатларни аниқлаш билан рўйхат шакллантирилади. Бунинг учун зарар турлари (ЗТ) ва салбий оқибатлар (СО) қуйидагича таклиф этилди:

$ЗТ_{1.1}$ – жисмоний шахсга етказилган зарар тури;

$СО_{1.1}$ – субъектга, унинг шахсий маълумотларига ноқонуний ишлов бериш орқали зарар етказиш, шу жумладан шахсий дахлсизлик, шахсий ва оилавий сирларга бўлган ҳуқуқларни бузиш;

$ЗТ_{2.1}$ – юридик шахсга етказилган зарар тури;

$СО_{2.1}$ – ахборот хавфсизлиги соҳасидаги меъёрий-услубий ҳужжатлар талабларини бузиш;

$СО_{2.2}$ – юридик шахснинг ишчанлик обрўсини бузиш;

$СО_{2.3}$ – ахборот тизимига амалга оширадиган функционал мантиқий муносабат жараёнларини ўзгартириш (қайта қуриш) зарурати;

$СО_{2.4}$ – ахборот инфратузилмалари, автоматлаштирилган жараёнларни бошқариш тизимларининг ишлаши билан боғлиқ зарар турлари;

$СО_{2.5}$ – ҳимояланган ахборотни сирқиб чиқиш ва қонунга хилоф равишда ишлов бериш орқали юридик шахсга молиявий зарар кўринишида зарар етказиш.

Ахборот тизими ва тузилмаси имкониятлар даражасига таҳмин қилиниб, қуйидагиларга эга бўлган бузғунчиларга бўлиш мумкин:

H^0 – ахборот тизимига ҳужумни амалга оширишни асосий имконияти;

H^1 – ахборот тизимига ҳужумни амалга оширишни асосий кенгайтирилган имкониятлари;

H^2 – ахборот тизимига ҳужумни амалга оширишни ўртача имконияти;

H^3 – ахборот тизимига ҳужумни амалга оширишни юқори имконияти;

H^4 – ахборот тизимига ҳужумни амалга оширишни янги имконияти.

Ушбу жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарар тури ва мумкин бўлган салбий оқибатлар орқали таъсир объектларига вазннинг қуйидаги

таъсир турлари мавжуд.

W_i= Конфиденциаллик, яхлитлик, фойдаланувчанлик, ҳақиқийлик, рад этмаслик, жавобгарлик, хусусиятлар бир хиллиги, ишончлилигини бузиш.

Бундан ташқари уч турдаги бузғунчи таснифига ажратилиб олинди.

B^1 – Бузғунчи таснифига ташкилотнинг ахборот тизимига ишлаш ҳолатига жавоб берадиган мутахассислар.

B^2 – Бузғунчи таснифига ташкилотнинг ахборот тизимига бузғунчилик қилиш мойиллиги юқори фойдаланувчи ва хизмат кўрсатувчилар.

B^3 – Бузғунчи таснифига ташкилотнинг ахборот тизимига қасддан ёки малакасиз фойдаланувчи ҳаракати киради.

Ҳужум таъсири, ажратилган тасниф даражаси, зарар таъсиридан келиб чиқиб салбий оқибатни таъсир объектига процедура ва вазнни таъсирининг визуал кўриниши қуйида 2- ва 3- расмларда келтирилган.



2-расм. Жисмоний шахснинг таъсир объектига процедура ва вазн таъсирининг визуал кўриниши



3-расм. Юридик шахснинг таъсир объектига процедура ва вазн таъсирининг визуал кўриниши

Таклиф қилинаётган процедура ахборот тизимининг ҳар бир ҳодисаси ва ҳусусиятлари, фойдаланувчи ва унинг ролига мос ҳужум таъсири остидаги тугун ҳолат ҳодисаларига боғлиқдир. Бу эса ҳужум таъсири остидаги тугун ҳолат ҳодисаларини қуришни талаб қилади.

Ахборот тизимида ҳужумларни олдини олишда ахборотнинг дастурий-аппарат ҳимоялаш усуллари хусусан, ахборот коммуникация тизимларида тармоқлараро экран ва мониторинглашнинг комплекс усул ва воситалари ҳамда тармоқ трафигини фильтрлаш каби таъсир объектлари асосида амалга оширилади. Ушбу таъсир объектлари асосида амалга оширилган чора-тадбирлар аниқлай олмайдиган ҳужумлар мавжуд. Ҳужум бўлиб ўтгандан сўнг унинг таъсир объекти ёки зарар турини кўриб аниқлашга зарурат туғилади. Бунда ахборот тизими учун ҳужум таъсири остида тугун ҳолатининг ҳодисаларини кўриш лозим.

Ахборот тизимининг тугун ҳолат ҳодисалари тизим эгаси томонидан қуйилган талаблар асосида қурилди.

Фойдаланувчи $(U_i),\ (i=1,...N)N-$ фойдаланувчилар сони, рол $(R_j),\ (j=1,...M)M-$ роллар сони, ахборот тизимида бошқариладиган ҳар бир ҳодиса ва уларни сони ахборот тизимининг функционал имкониятларига боғлиқ, ҳодиса $(E_e),\ (e=1,...L)L-$ ҳодисалар сони, ахборот тизимида ҳар бир объектни ҳусусияти олинган, хусусият сони чекланган ва хусусият $(P_k),\ (k=1,...K)K-$ хусусиятлар сонидир.

Ҳосил қилинган параметрлар асосида мантиқий бошқарувини бинар муносабатининг тугун ҳолати ҳодисалар мажмуасини қуриш 4-расмда келтирилган.



а) б) с)

4-расм. а), б) ва с) фойдаранувчи, рол, ҳодиса ва хусусиятларнинг мантиқий бошқарувини бинар муносабати

Диссертациянинг **«Ахборот тизимида ҳужум изларини қидириш ва баҳолаш»** деб номланган учинчи бобида ахборот тизимида ҳужум изини қидириш моделини қуриш ва параметрларини созлаш алгоритми таклиф этилган. Ахборот тизимида ҳужум изини баҳолаш усули ва алгоритми ишлаб чиқилган. Ахборот тизими ҳимояси самарадорлигини баҳолаш услуби такомиллаштирилган. Ҳужум изини қидиришда дастурий мажмуанинг функционал тузилмаси ва талаблари ишлаб чиқилган.

Ахборот тизимида ҳужум изини қидириш қоидаларга асосланган норавшан нейрон тармоғи моделини амалга ошириш қоидалари қуйидагича:

$$R_i: Агар\ (x_i == A_i, \cap \ldots \cap\ (x_{ij} == A_{ij}) \cap \ldots \cap\ (x_{im} == A_{im})\ \text{бўлса}$$

$$y = c_{io} + \sum_{j=1}^{m} c_{ij} x_j,\ j = 1 \ldots n\ \text{ёки}\ R_i := \bigcap_{j=1}^{m} (x_{ij} == A_{ij})\ \text{бўлса, унда} \qquad (1)$$

$y_i = c_{io} + \sum_{j=1}^{m} c_{ij} x_j,\ j = 1 \ldots r, i = 1 \ldots n$. $R = \sum_{i=1}^{m} R_i -$ умумий қоидалар тўплами.

(1) ифодада ахборот тизимида ҳужум изларини қидириш методологиясини қоидалар базаси белгилаб беради.

ANFIS норавшан нейрон тармоқ қуйидаги қоидаларга асосланади:

– киритилган ўзгарувчилар аниқлиги;

– тегишлилик функциялари Гаусс функцияси билан аниқланганлиги.

$$\mu_{ij}(y_j) = \exp\left(-\frac{1}{2}\left(\frac{x_j - a_{ij}}{b_{ij}}\right)^2\right)$$

Бунда y_j кириш тармоқлари, a_{ij} ва b_{ij} созланиши тегишлилик функциялари параметрларидир.

Чиқиш ўзгарувчисини олиш учун дефуззификациядан кейин функционал боғлиқлик қуйидаги кўринишда ифодаланади:

$$y^{'} = \frac{\sum_{i}^{n}((c_{io} + \sum_{j=1}^{m} c_{ij} x_j)\prod_{j=1}^{m} \mu_{A_{ij}}(x_j^{'}))}{\sum_{i=1}^{n}\prod_{j=1}^{m} \mu_{A_{ij}}(x_j^{'})} = \frac{\sum_{i}^{n}(c_{io} + \sum_{j=1}^{m} c_{ij} x_j)\prod_{j}^{m} \exp\left[-(\frac{x_j^{'} - a_{i,j}}{b_{i,j}})^2\right]}{\sum_{i=1}^{n}\prod_{j}^{m} \exp\left[-(\frac{x_j^{'} - a_{i,j}}{b_{i,j}})^2\right]}$$

Ушбу ифода беш қадамни ўз ичига олган Takagi–Sugeno–Kang (TSK) алгоритмидан фойдаланган ҳолда ANFIS тармоғига асосланади:

Биринчи қадам киритилган аниқ ўзгарувчиларни фаззификацияси қуйидаги процедурани амалга оширади $x_j^{'}\ (j = 1, 2, ..., n)$.

Иккинчи қадам a_{ij} ва b_{ij} элементлари Гаусс функциялари томонидан берилган тегишлилик функциялари $\mu_{A_j}(x_j^{'})$, вазнлари ва қийматларининг параметрлари билан ҳисоблаб чиқилади.

Учинчи қадам иккинчи қадамнинг элементлари бўйича натижалар билан кўпайтирилади ва функция қийматларини ҳосил қилади, яъни

$$y_i = (c_{jo} + \sum_{j=1}^{m} c_{ij} x_j^{'}).$$

Тўртинчи қадам биринчи элементи 3-қадамда йиғилган қийматларга, қоидаларнинг зарурий шартларига тегишлилик даражаларига мувофиқ қоидаларнинг хулосаларини фаоллаштириш учун зарур. Тўртинчи қоиданинг иккинчи элементи ANFIS тармоғининг натижасини кейинчалик фаззификацияси учун қўшимча амаллар бажарилади.

Ушбу қадамда битта нормаллаштирувчи элементдан иборат бўлиб, ANFIS тармоғининг натижаларини дификациялайди.

Нейро-норавшан тизими Takagi–Sugeno–Kang алгоритми асосида ANFISни қўришда 2 та параметрик қоидани ўз ичига олади (1 ва 3 қадамда). ANFIS тармоғини ўқитиш жараёнида созланиши мумкин бўлган параметрлар:

– биринчи қадамда чизиқли бўлмаган параметрлар a_{ij} ва b_{ij} тегишлилик функциялари фаззификатордир;

– учунчи қадамда чизиқли функцияларнинг c_{io} ва c_{ij} параметрлари $y_i = (c_{io} + \sum_{j=1}^{m} c_{ij} x_j^{'})$ қоидалар базасининг хулосаларидан фойдаланади.

n та қоида ва m та кириш ўзгарувчилари мавжуд бўлганда, биринчи қадамнинг параметрлари сони $2nm$ га, иккинчи қадамнинг параметрлар сони эса $2 - n(m+1)$ га тенг. Созланиши мумкин бўлган параметрларнинг умумий сони $n(3m+1)$ ни ташкил қилади.

Таклиф этилаётган моделнинг кейинги босқичида чизиқли функцияларнинг c_{io} ва c_{ij} параметрлари a_{ij} ва b_{ij} параметрларининг белгиланган қийматлари шарти билан ҳисобланади.

c_{io} ва c_{ij} параметрлари чизиқли тенгламалар системасини ечиш орқали топилади. Бу сон чиқиш ўзгарувчисини қуйидаги шаклда ифодаланади:

$$y' = \sum_{i=1}^{m} w_i'(c_{io} + \sum_{j=1}^{m} c_{io} x_j) \text{ бунда } W_i' = \frac{\prod_{j=1}^{m} \mu_{A_{ij}}(x_j')}{\sum_{i=1}^{n}\prod_{j=1}^{m} \mu_{A_{ij}}(x_j')} = \frac{\prod_{j}^{m} \exp\left[-(\frac{x_j' - a_{i,j}}{b_{i,j}})^2\right]}{\sum_{i=1}^{n}\prod_{j}^{m} \exp\left[-(\frac{x_j' - a_{i,j}}{b_{i,j}})^2\right]} = const$$

Танланган i, j – чизиқли параметрларини аниқлагандан сўнг, барча ўқув танланмалар учун тармоқнинг ҳақиқий чиқиш маълумотларини тузатиш, ҳисоблаш ва улар учун чизиқли муносабатлардан фойдаланилади:

$$y' = \begin{bmatrix} y^{(1)} \\ y^{(2)} \\ \dots \\ y^{(k)} \end{bmatrix} = w \cdot c$$

бунда хато векторини қуйидагича аниқланади: $e = y' - y$, бундан жорий параметрлар аниқланади:

$$a_{ij}^{(k)}(t+1) = a_{ij}^{(k)}(t) + c\frac{dE^{(k)}(t)}{da_{ij}^{(k)}} \text{ ва } b_{ij}^{(k)}(t+1) = b_{ij}^{(k)}(t) + c\frac{dE^{(k)}(t)}{db_{ij}^{(k)}}$$

Takagi – Sugeno – Kang алгоритмидан фойдаланган ҳолда нейро-норавшан ANFIS тизимига асосланган ҳужум изини қидириш модели 5-расмда келтирилган.



5-расм. Нейро-норавшан ANFIS тизимига асосланган ҳужум изини қидириш модели

Таклиф этилаётган усулда Takagi – Sugeno – Kang норавшан хулоса чиқариш алгоритми билан ANFIS тизими тармоғининг ишлаши алгоритми туридаги қоидаларга асосланган норавшан ишлаб чиқариш моделини амалга оширишдан иборат:

$$R: \text{агар } x_i == A_i \text{ бўлса } y = c_{io} + \sum_{i=1}^{N} c_i x_i, i = 1,...N.$$

Олдин белгиланган ахборотни муҳофаза қилиш кўрсаткичлари ва талаблари асосида, шунингдек, ахборот тизимининг жорий ахборот тизимида ҳужум изи ҳамда ахборот тизими инфратузилмаси рўйхати асосида қоидалар базаси шакллантирилди, унинг бир қисми 1-жадвал асосида ишлаб чиқилди.

Ишда ахборот тизими инфратузилмаси учун ечимлар, ахборот тизимига ҳужумнинг статик моделлари каби катта ҳажмдаги маълумотлар таҳлили ўтказилди. Бу асосида ахборот тизими ҳимоясининг самарадорлигини баҳолаш услуби такомиллаштирилди.

1-жадвал.

Ахборот тизимида ҳужум изини қидириш мажмуасининг самарадорлигини баҳолаш учун қоидалар базаси

№	Агар (IF)			У ҳолда (THEN)
	Кириш параметрлар	Чиқиш параметрлар	Ҳужум изи даражаси	
1	x_1	z_1	Жуда паст (эҳтимоллиги жуда кам)	Самарадорликга эришилади
2	x_2	z_2	Паст (эҳтимоллиги кам)	Самарадорликга эришилади
3	x_3	z_3	Ўртача (мумкин бўлган)	Самарадорликга эришилади
4	x_4	z_4	Юқори (эҳтимоллиги бўлган)	Самарадорликга эришилади
5	x_5	z_5	Жуда юқори (тез-тез учраб турадиган)	Самарадорликга эришилмайди

Лингвистик ўзгарувчиларнинг миқдорий қийматлари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал.

Лингвистик ўзгарувчиларнинг миқдорий қийматлари

№	Белгиланиш	Бошланғич ифода	Қиймати
1	Жуда паст (эҳтимоллиги жуда кам)	$0,1 < \lvert x_1 - z_1 \rvert \le 0,3$	$0,1 \sim 0,3$
2	Паст (эҳтимоллиги кам)	$0,3 < \lvert x_1 - z_1 \rvert \le 0,5$	$0,3 \sim 0,5$
3	Ўртача (мумкин бўлган)	$0,5 < \lvert x_1 - z_1 \rvert \le 0,7$	$0,5 \sim 0,7$
4	Юқори (эҳтимоллиги бўлган)	$0,7 < \lvert x_1 - z_1 \rvert \le 0,9$	$0,7 \sim 0,9$
5	Жуда юқори (тез-тез учраб туралиган)	$0,9 < \lvert x_1 - z_1 \rvert \le 1$	$0,9 \sim 1$

Ҳужум изини қидиришни дастурий мажмуасининг функционал

тузилмаси 6-расмда келтирилган.



6-расм. Ҳужум изини қидиришни дастурий мажмуасининг функционал тузилмаси

Диссертациянинг **«Дастурий мажмуани функционал вазифалари ва жорий қилиш натижалари»** деб номланган тўртинчи бобида жорий қилинган “Хавфсиз онлайн овоз бериш” тизимини функцианал тузилмаси, ахборот тизимида ҳужум изини қидириш моделининг самарадорлигини баҳолаш ва таҳлили ҳамда жорий қилиш талаблари ва натижалар таҳлилига бағишланган.

Ахборот тизимида ҳужум изини қидириш учун қоидалар асосида билимлар базаси шакллантирилади, у асосида data set қўрилади. Ҳар доим ҳар бир ахборот тизими учун алоҳида-алоҳида data set ишлаб чиқилади, сабаби ҳар бир ахборот тизими фойдаланувчилари тизимда ролидан келиб чиққан ҳолда ҳар бир тизим data set қўрилади. Шу асосида ахборот тизимида ҳужум изини қидириш ва аниқланган ҳужумни бошқариш тузилмаси 7-расмда келтирилган.



7-расм. АТда ҳужум изини қидириш ва аниқланган ҳужумни бошқариш схемаси

Тадқиқотда тавсия этилган модел, алгоритмлар бундай муаммоларни ҳал қилиш учун маълум таснифлаш моделлари ишини қиёсий таҳлил қилиш учун тажрибалар ўтказилди.

Илмий тадқиқотда data setни қуриш асосида «Python» дастурлаш тилида мавжуд моделлар ва элементларини созлаш асосида таклиф этилаётган ANFIS тизимни қиёсий таҳлилининг график кўриниши 8-расмда келтирилган.



8-расм. Муаммони ечиш моделларини қиёсий таҳлил қилиш графиги

Шундай қилиб, муаммонинг берилган шартлари учун ҳужум изини қидириш ва аниқлаш кўрсаткичи учун тавсия этилган модел энг яхшисидир.

Таклиф қилинган ҳужум изини қидиришнинг қўлайлиги ва самарадорлигини аниқлаш учун тизим жорий қилинмасдан олидинги ҳолат ва жорий қилингандан сўнги ҳолатлар таққослаш орқали амалга оширилди.

Тизимнинг натижадорлиги ва самарадорлигини аниқлаш учун қуйидаги кўрсаткичларни белгилаймиз:

- фойдаланувчи тизимга киргандан сўнг, ушбу номдан киришни чеклаш орқали ҳимояланиш (H_c, бирлиги фоизда);
- изни қидириш ва аниқланган изларни МБга ёзиш орқали олдини олиш (B_t, бирлиги фоизда);
- мутахассиснинг иш самарадорлиги (M_s, бирлиги фоизда);
- ҳужумни мутахассис томонидан назоратланиши (E_t, бирлиги фоиз);

Бу кўрсаткичлар асосида умумий кўрсаткични ҳисоблаш қуйидагича амалга оширилади.

$$k_1 = \frac{H_c - H_c^0}{H_c^0}, k_2 = \frac{B_t}{B_t^0}, k_3 = \frac{M_s}{M_s^0}, k_4 = 1 - \frac{E_t}{E_t^0}$$

Бунда N – кўрсаткичлар сони (N=4 га тенг), k_i - мос ҳолда ҳар бир ташкилотнинг мезонлари асосида кўрсаткичларнинг самарадорлги. Бунда k_i кўрсаткичнинг самарадорлиги қуйидагича ҳисобланади («4-жадвалга қаранг»).

4 -жадвал.

«Киберхавсизлик» маркази ташкилотининг кўрсатқичлар бўйича натижалари

	Ойлик			Кварталли			Йиллик			Ўртача
	C^-	C^+	T_1	C^-	C^+	T_2	C^-	C^+	T_3	$T_{ў}$
H_c	18	24	21	62	85	22	179	220	20	21
B_t	66	93	71	176	247	71	713	967	74	72

4–жадвалда келтирилган C^- –тизимни жорий қилишдан олдинги ҳолат, C^+ –тизимни жорий қилингандан сўнги ҳолат ва T – жорий кўрсаткич бўйича самарадорлик.

Ҳужум изини қидиришнинг самарадорлигини аниқлашда ойлик, квартал ва йиллик нисбатлари алоҳида аниқланади (9-10-расмлар).



9-расм. Тизим ҳимоясини такомиллаштиришни натижадорлигининг график кўриниши



10-расм. Изни қидириш ва аниқланган изларни маълумотлар базасига ёзиш орқали самарадорликнинг график кўриниши

Олинган статистик маълумотлардан танлаб олинган кўрсаткичлар асосида алоҳида - алоҳида маълумотларни визуал солиштириш учун ҳар бир ташкилот миқиёсида диаграммалари шакллантирилган.

ТАТУ ташкилотида “Хавфсиз онлайн овоз бериш”га мўлжалланган тизимда, “Киберхавфсизлик” маркази ва “SSP Maroqand” кўп функцияли ахборот маркази унитар корхонаси”да тест жараёнида ҳужум изини қидиришга асосланган таклиф қилинаётган нейро-норавшан тармоқга асосланган ANFIS орқали қўйидаги самарадорликга эришилди. Тизимда инцидентлар мавжуд бўлиб, бу инциденларни урганиш жараёнида ахборот хавфсизлиги эксперти ва тизим томонидан бузғунчиликни криминалистик таҳлиллари 5-жадвалда келтирилган.

5-жадвал.

Ҳужум изини қидиришнинг самарадорлиги натижалари

Ташкилот номи	Ҳужумлар сони, x	Эксперт аниқланган ҳужум излари сони, y	ANFIS аниқланган ҳужум излари сони, Z	Самарадорлик, %
ТАТУ	45	28 (62%)	32 (71%)	9%
“Киберхавфсизлик” маркази ДУК	83	54 (65%)	60 (72%)	7%
“SSP Maroqand” МЧЖ	24	16 (67%)	19 (79%)	12%

Ушбу жадвалда келтирилган нисбат ҳисоблашлар қуйидаги ифода ёрдамида амалга оширилган.

$$A_1 = \frac{y}{x} \cdot 100\%, A_2 = \frac{z}{x} \cdot 100\% \text{ ва } B = |z - y|$$

Ахборот тизимида ҳужум изини қидириш ва криминалистик текширишларни амалга ошириш жараёнида ахборот хавфсизлиги эксперти тақдим қилган натижаларга нисбати нейро-норавшан тизимига асосланган таклиф қилинаётган ANFIS ҳужум изини қидириш вақти ҳамда криминалистик натижаларнинг сон ва сифат жиҳатдан устунлиги ҳисоблашларда ўз аксини топди.

ХУЛОСА

«Ахборот тизимларида ҳужум изларини қидириш ва таҳлил қилиш модели, алгоритмлари ва дастурий мажмуаси» мавзусидаги диссертация иши бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида қуйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Ахборот тизимида ҳужум манбалари рўйхатини шакллантириш процедураси ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган процедура ва шакллантирилган ҳужум манбалари рўйхати, тизимда ҳужум изларини қидириш ва аниқлашга хизмат қилади.
2. Ҳужум таъсири остида тугун ҳолатининг ҳодисалар мажмуасини қуриш алгоритми ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган алгоритм асосида белгилаб олинган параметрларнинг мантиқий бошқарувини бинар муносабати ҳужум изини қидириш имконини беради.
3. Ахборот тизимида ҳужум изини қидириш модели ва параметрларини созлаш алгоритми ишлаб чиқилган. Ишлаб чиқилган модель ва параметрларни созлаш алгоритми асосида ҳужум изини қидириш қоидалари яратилади ва қоидалар асосида билимлар базаси шакллантирилиб, нейро-норавшан тармоқ орқали ўқитиш имконини беради.
4. Ахборот тизими ҳимояси самарадорлигини баҳолаш услуби танқидий ўрганилиб, баҳолаш учун қоидалар базаси ва лингвистик ўзгарувчиларни миқдорий қийматлари асосида баҳолаш услуби такомиллаштирилган.
5. Ахборот тизимида ҳужум изини қидиришга йўналтирилган дастурий мажмуанинг функционал тузилмаси ва талаблари ишлаб чиқилган. ишлаб чиқилган дастурий мажмуанинг функционал тузилмаси ва талаблари асосида ўтказилган ҳисоблаш тажриба натижалари бўйича таклиф этилган дастурий мажмуа ҳимояси талабларини қайта кўриб чиқиб, ҳимояланганлик даражаси 21% га, ҳужумларни аниқлаб, ҳужум изини ёзиш орқали келажакда олдини олиш даражаси 72% га ошган.

Таклиф этилган ҳужум изини қидириш модели асосида ахборот тизими ишлашида мамурга ва компьютер жиноятчилиги борасида криминалистик маълумотлар тўплаш имконини беради.

НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc. 13/30.12.2019.T.07.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

ТАШКЕНТСКИЙ УНИВЕРСИТЕТ ИНФОРМАЦИОННЫХ ТЕХНОЛОГИЙ

БЕКМИРЗАЕВ ОБИДЖОН НУРАЛИЕВИЧ

МОДЕЛЬ, АЛГОРИТМЫ И ПРОГРАММНАЯ КОМПЛЕКС ПОИСКА И АНАЛИЗА СЛЕДОВ АТАКИ В ИНФОРМАЦИОННЫХ СИСТЕМАХ

05.01.05 – Методы и системы защиты информации.
Информационная безопасность

АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ

Тошкент–2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за B2022.2.PhD/T2833.

Диссертация выполнена в Ташкентском университете информационных технологий.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.tuit.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:	**Муминов Баходир Болтаевич** доктор технических наук, профессор
Официальные оппоненты:	**Каримов Маджит Маликович** доктор технических наук, профессор
	Халмуратов Омонбой Утамуратович доктор философии по техническим наукам
Ведущая организация:	**«UNICON.UZ» - центр научно-технических и маркетинговых исследований**

Защита диссертации состоится «17» декабря 2022 года в 10[00] часов на заседании Научного совета DSc. 13/30.12.2019.T.07.02 при Ташкентском университете информационных технологий. (Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-43; факс: (99871) 238-65-52; e-mail: info@tuit.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского университета информационных технологий (регистрационный номер №2403) (Адрес: 100084, г. Ташкент, ул. Амира Темура, 108. Тел.: (99871) 238-64-70)

Автореферат диссертации разослан «05» декабря 2022 года.
(протокол рассылки № 8 от «03» декабря 2022 года.)

Б.Ш. Махкамов
Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, д.э.н., профессор

Э.Ш. Назирова
Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

С.К. Ганиев
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время, помимо поиска, выявления и устранения следов атак на информационную систему организаций, большое внимание уделяется повышению точности процесса обнаружения атак и уменьшению ошибок. По данным компании «Kaspersky», в третий квартале 2022 года доля атак на информационные системы государственных организаций увеличилась на 18%, причем 82% объектов атак составляли компьютеры, серверы и сетевые устройства[1]. В развитых странах мира, включая США, Германию, Японию, Францию, Китай, Южную Корею, Российскую Федерацию, проводятся активные научные исследования на основе интеллектуальных методов определения степени влияния угроз на информационные системы, совершенствованию систем защиты информации, разработке и применению методов и алгоритмов обнаружения следов атак.

Во многих странах мира проводятся научные исследования, направленные на совершенствование моделей, методов и алгоритмов обнаружения атак, а также поиска следов атак, независимо от способа осуществленния атак на информационные системы. Одной из наиболее важных задач в этом направлении является выявление и разработка моделей и алгоритмов анализа взлома, в том числе, путем записи в базе данных действий пользователей в пределах определенного диапазона, а также в поисках сигнатуры, поведениея и следов имевшей место атаки. Вместе с тем, при поиске следов атаки в информационной системе, когда знания о просматриваемом объекте неполные или имеются неясности (неопределенности) в анализируемой информации, возникает необходимость принятия решений с использованием методов, включающих интеллектуальные элементы.

В Республике Узбекистан за последнее время, во исполнение закона подписанного Президентом Республики Узбекистан «Стратегия развития нового Узбекистана на 2022 – 2026 годы»[2], а также Закона Республики Узбекистан ЗРУ – 764 «О Кибербезопасности»[3], в отраслевых организациях разработаны комплексные меры, направленные на повышение эффективности обнаружения следов атак. В частности, в этих законах поставлены задачи принятия необходимых мер путем критического изучения существующих информационных систем на уровне республики с точки зрения информационной безопасности. При реализации этих вопросов одной из важных задач является выявление таких проблем, как обоснование компьютерного преступления путем поиска, выявления следов совершенной атаки и формирования списка выявленных следов, а также предотвращение

[1] https://www.ptsecurity.com/ru-ru/research/analytics/cybersecurity-threatscape-2021-q4/#id8

[2] Указ Президента Республики Узбекистан УП-60, от 28 января 2022 года «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы»

[3] Закон Республики Узбекистан, ЗРУ-764, от 15 апреля 2022 года.

взлома путем записи действий пользователя в пределах определенного диапазона при предоставлении этой информации необходимому специалисту.

Настоящее диссертационное исследование посвящено в определенной степени выполнению задач, определенных в Указах Президента Республики Узбекистан УП–60, от 28 января 2022 года, «О стратегии развития нового Узбекистана на 2022 - 2026 годы», в Постановлении ПП–4024, от 21 ноября 2018 года «О мерах по совершенствованию системы контроля за внедрением информационных технологий и коммуникаций, организации их защиты»[4], а также Указа УП–5349, от 19 февраля 2018 года «О мерах по дальнейшему совершенствованию сферы информационных технологий и коммуникаций», а также в других нормативно-правовых документах, посвященных этой проблематики.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствие с приоритетным направлением развития науки и технологий, определенных в документе «Информатизация и развитие информационно-коммуникационных технологий».

Степень изученности проблемы. Научные исследования в области защиты информационных систем, обнаружения компьютерных атак и вредоносных программ, а также цифровой криминалистики проводятся М.В.Абрамовым, В.М. Сычевым, О.С. Терновой, О.В.Лукиновой, А.С.Кирилловым, В.М.Крундышевым, А.М.Кадновой, В.В. Сагитовой, А.В.Остроухом и другими зарубежными учеными. О. В. Багринцева, А. В. Никишова, С. Аль-Марри, А. Кимар проводили научные исследования об организационно-правовых мерах по обнаружению вредоносных программ в компьютерных системах и защите данных с помощью цифровой криминалистики. Кроме того, организациями «InfoWatch», «RiskWatch», «WatchGuard» и «Trend Micro» ведутся инженерно-исследовательские работы по разработке программно-аппаратных средств защиты информации с использованием компьютерной криминалистики при раскрытии компьютерных преступлений.

В Узбекистане под руководством С.К.Ганиева, М.М.Каримова, Г.У.Жураева, Б.Ф.Абдурахимова, Б.Б.Муминова, К.Ф.Керимова, Г.Н.Туйчиева, Д.Я.Иргашевой и другими проводятся исследования, связанные с программно-аппаратными методами защиты информации, в частности разработкой комплексных методов и средств межсетевого экрана и мониторинга в информационных системах связи, управлением инцидентами и реагированием на кибератаки, методами формирования критериев и показателей информационной безопасности, разработкой методов криптографической защиты информации с оценкой криптографических алгоритмов.

